

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2025-yil 25-dekabr, payshanba

51 (9371)

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

ПРЕЗИДЕНТ СОВГАЛАРИ БОЛАЖОНЛАРГА КУВОНЧ ҲАДЯ ҚИЛАДИ

Янги йил болажонларнинг энг сеvimли байрамидир. Айниқса, ҳар йили ўтказиладиган "Президент арчаси" тадбири болалар қалбида унутилмас хотиралар қолдиради.



Ушбу байрам доирасида меҳрга муҳтож болаларга ғамхўрлик кўрсатиш мақсадида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда қатор ишларни амалга оширмоқда. Жорий йилда ҳам анъанага мувофиқ, мамлакатимиз бўйлаб болажонлар учун Президент совгалари тайёрланди. Улар жойлардаги Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари тарбияланувчилари, "SOS O'zbekiston bolalar mahallalari", Гўдақлар уйлари, оилавий болалар уйлари тарбияланувчилари, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, шунингдек, юрт тинчлиги йўлида ҳалок бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг фарзандларига мўлжалланган.

Президент совгалари таркибидан 24 турдаги ўқув қуроллари ҳамда 34 хил ширинликлар ўрин олган бўлиб, улар болаларнинг билим олишга бўлган қизиқишини ошириш, байрам кайфиятини янада кўтаришга хизмат қилади. Айни

кунларда республиканинг барча ҳудудларига совғалар қаровни етиб бормоқда. Ана шундай қувончли манзиллардан бири Тошкент вилояти бўлди.

– Янги йил байрами ҳар йили ўзининг ёрқин хотиралари ва жўшқин ҳиссиётлари билан барчанинг ёдида қолади. Айниқса, болалар бу байрамни орзиқиб кутади. Ҳар йили Президентимиз томонидан меҳрга муҳтож болалар учун совғалар топширилади. Бу йил ҳам ушбу эзгу анъана давом эттирилиб, совғалар болажонларга етказилади. Мазкур ташаббус болаларга бўлган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ёрқин намунасидир. Янги йил арафасида улашилган Президент совгалари эса болажонлар қалбида қувонч, ишонч ва илиқ хотиралар уйғотади, – дейди Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи Мирозид Мирсултонов.

Абдулазиз МУСАЕВ,
Ўза мухбири.

ГЛОБАЛ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ШАРОИТИДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

юртимизда бу борада қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда?

Кеча Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Билим ва инновациялар Миллий марказида "Глобал иқлим ўзгариши шароитида озиқ-овқат ва маҳсулотлар хавфсизлигини таъминлаш орқали барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш" мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вазирлик ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (AKIS), Тошкент давлат аграр университети, Ўзбекистон "Аграр соҳа аёллари" уюшмаси билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда давлат ташкилотлари вакиллари, соҳа экспертлари, илмий-тадқиқот муассасалари, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, наднавт нотижорат ташкилотлар, хусусий сектор ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.



Конференциянинг асосий мақсади, глобал иқлим ўзгариши шароитида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифат ва хавфсизлигини ошириш, инновацион ва иқлимга мос ечимларни жорий этиш орқали БМТнинг Барқарор

ривожланиш мақсадларига эришиш йўллари муҳокама қилишдан иборат бўлди. Маълумки, бугунги кунда ер юзиде иқлим ўзгариши ва турли экологик муаммолар, шунингдек, урбанизация жараёнларининг кучайиб бориши оқибатида қишлоқ хўжалиги

ва озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш қийинлашиб, дунё озиқ-овқат бозорларида нарх-наво кўтарилиб боришига сабаб бўлмоқда. Статистик маълумотларга қўра, жаҳоннинг 54 мамлакатида оилалар моддий аҳволи даражасининг пасайиши кузатилган, 20 дан зиёд давлат аҳолисининг асосий қисми очликдан қийналмоқда. Сўнгги йилларда дунёнинг бир неча юз миллионлаб аҳолиси очликдан азият чекапти. Жумладан, БМТ маълумотларига қўра, жаҳон аҳолисининг 815 миллион нафари оч қолаётган бўлса, 2050 йилга бориб бу сон 2 миллиард кишига етади. Уларнинг 12,9 фоизи ривожланаётган мамлакатларда яшайди. Бу, албатта, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришдаги муаммолар ва унинг хавфсизлиги билан боғлиқ жараёнлар фонидеги вазиятдир.

(Давоми 2-саҳифада)

Сарҳисоб

ЖОРИЙ ЙИЛДА БОҒДОРЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚАНДАЙ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ?

Агросаноатни ривожлантириш агентлигида 2025 йил давомида "Боғдорчиликни ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Унда қайд этилганидек, Агросаноатни ривожлантириш агентлиги томонидан йил бошида мамлакатимизда сифатли мева маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириш, қир-адир, тоғ олди, лалми ерлар ҳамда самарасиз боғ ва тоқзорлар ўрнида саноатлашган интенсив мевали боғ ва тоқзорларни барпо этиш, қайта ишлаш ва экспорт салоҳиятини кенгайтириш бўйича аниқ режалар белгилаб олинган. Бугунги кунда ушбу режалар ижроси доирасида қатор ижобий натижаларга эришилди. Шу билан бирга, фермер ва деҳқон хўжаликлари хат томонлама қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратиш борасида давлатимиз томонидан белгиланган вазифалар изчил



амалга оширилмоқда.

Маълум қилинишича, жорий йилда жами 29,2 минг гектар майдонда саноатлашган интенсив боғ ва тоқзорлар барпо этиш режалаштирил-

ган бўлиб, шундан 17,3 минг гектари баҳор мавсумида, 11,9 минг гектари эса куз мавсумида амалга оширилиши белгиланган эди.

(Давоми 2-саҳифада)

"Four Nature" – табиатнинг тўрт мўъжизаси

ДОРИЛАР ВА СИНТЕТИК ҚЎШИМЧАЛАР КЎПИНЧА САМАРАЛИ БЎЛСА-ДА, УЛАРНИ УЗОҚ МУДДАТЛИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ САЛБЎЙ ОҚИБАТЛАРГА ОЛИБ КЕЛИШИ МУМКИН. ШУ САБАБЛИ ТАБИЙ ВА СОҒ МАҲСУЛОТЛАР – ИНСОН ОРГАНИЗМИ УЧУН ЭНГ ХАВФСИЗ ВА САМАРАЛИ МАНБАА СИФАТИДА ЭЪТИБОР МАРКАЗИДАН ЎРИН ЭГАЛЛАМОҚДА. ТАБИАТДАН ОЛИНГАН ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ НАҒАҚАТ ИНСОН ОРГАНИЗМИНИ ЗАРУР МОДДАЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАЙДИ, БАЛКИ УЛАР АНТИОКСИДАНТЛАР, ВИТАМИН ВА МИНЕРАЛЛАРГА БОЙ БЎЛИБ, ИММУН ТИЗИМИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ, ЧАРҚОҚНИ КАМАЙТИРАДИ ВА УМУМИЙ ЭНЕРГИЯНИ ОШИРАДИ.

(Давоми 3-саҳифада)

Хурмога қўшимча қиймат: САМАРҚАНДДА ЯПОНИЯ ТАЖРИБАСИ



Agrobank

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 февралдаги "Узагустар Холдинг" компанияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги қарори қишлоқ хўжалигида қўшимча қиймат яратишга қаратилган янги босқични бошлаб берди.

Бу йўналишда "Агробанк" АТБга бириктирилган "Узун – Агро Стар" лойиҳаси алоҳида аҳамиятга эга. Япония тажрибаси асосида хурмони қуритиш орқали майиз ва чипс ишлаб чиқариш Самарқанддан бошланиб, Япония ва Хитой каби йирик бозорларга йўл очмоқда.



Жараёнга хорижий мутахассислар ва маҳаллий олимлар жалб этилган лойиҳанинг сифат ва барқарорлигини таъминламоқда.

Агробанк томонидан ажратилган 3,5 млрд. сўм грант эса замонавий иссиқхоналар, технологик

ускуналар ва музлаткичли омборхоналар барпо этилишига хизмат қилди. Энг муҳими, маҳсулотни қайта ишлаш орқали даромад бир неча баробар ошмоқда. Бу эса, қишлоқ аҳолиси учун барқарор даромад, янги иш ўринлари ва эртанги кунга ишонч демакдир.

Мазкур лойиҳалар қишлоқ ҳудудларини хомашё манбаи эмас, балки тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи иқтисодий марказларга айлантиришга қаратилган бўлиб, "миллий бренд" асосида халқаро бозорларга чиқишга хизмат қилмоқда.

Агробанк ахборот хизмати





ЖОРИЙ ЙИЛДА БОҒДОРЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚАНДАЙ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ?

(Боши 1-саҳифада)

Жорий йилнинг баҳор ойларида жами 19,2 минг гектар майдонда боғ ва токзорлар ташкил этилди, бу баҳорги режага нисбатан 111 фоизни ташкил этади. Шундан 14,2 минг гектари боғ, 5 минг гектари токзор ҳисобланади. Баҳор мавсумида барпо этилган майдонларнинг 9 минг гектари тоғ олди ва қир-адир ҳудудларда, 10,2 минг гектари эса самарасиз ва яроқсиз боғ ҳамда токзорлар ўрнида ташкил этилди.

Жорий йил куз ойларида эса жами 11,7 минг гектардан орტიқ майдонда, шу жумладан, 8,8 минг гектар боғ ва 2,9 минг гектар токзор барпо этиш режалаштирилган. Ушбу майдонларнинг 4,5 минг гектари тоғ олди ва қир-адир ҳудудларда, 7,2 минг гектари эса самарасиз боғ ва токзорлар ўрнида ташкил этилди.

Айни пайтда Агросаноатни ривожлантириш агентлиги вилоят ҳокимликлари, фермер ва деҳқонлар ҳамда тадбиркорлар билан ҳамкорликда республика бўйлаб белгиланган боғ ва токзорларни барпо этиш ишларини жадал суръатларда давом эттирмоқда. Шунингдек, жорий йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида республика бўйича қиймати 1,5 миллиард АҚШ доллариغا тенг бўлган 1 миллион 600 минг тонна мева



Toshkent IEMda yong'in xavfsizligi bo'yicha ko'rik oyligi davom etmoqda

Qish davrida yong'in xavfsizligini ta'minlash, davlat yong'in nazorati organlari ko'rsatmalarini bajarish hamda ishlab chiqarish obyektlarida yong'in xavfsizligi qoidalariga qat'iy rioya etilishini ta'minlash maqsadida Toshkent IEMda "Yong'in xavfsizligi" bo'yicha ko'rik oyligi tashkil etildi.

Ko'rik oyligi doirasida mazkur korxonaning ishchi va operativ-tezkor xodimlari ishtirokida sexlarda yong'inga qarshi amaliy mashg'ulotlar o'tkazildi. Mashg'ulotlar davomida xodimlarga yong'in sodir bo'lgan holatlarda harakatlanish tartibi, tezkor choralar ko'rish, dastlabki yong'in o'chirish vositalaridan foydalanish hamda xavfsiz evakuatsiya qoidalari batafsil tushuntirildi. Shuningdek,

yong'in xavfsizligi bo'yicha sahnalashtirilgan o'quv mashg'uloti o'tkazilib, unda xodimlarning bu kabi vaziyatlarda tog'ri va tezkor harakatlari sinovdan o'tkazildi. Mazkur tadbirlar xodimlarning yong'in xavfsizligi bo'yicha bilim va amaliy ko'nikmalarini oshirishga xizmat qiladi.

Oybek RUHITDINOV, "Toshkent IEM" filiali MXTX YOX bo'yicha katta inspektori.

ГЛОБАЛ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ШАРОИТИДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

(Боши 1-саҳифада)

Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қонуний-меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, ушбу йўналишдаги истиқбол режалари аниқ белгилаб олинган.

– Бугунги кунда глобал иқлим ўзгариши шароитида озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш масаласи Ўзбекистон Республикасида қонунчилик даражасида мустаҳкамланган, – деди конференциянинг очилиш қисмида сўз олган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси спикери ўринбосари Мавлудахон Ходжаева.

– Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, давлат табиатни муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда аҳоли учун хавфсиз ва соғлом атроф-муҳитни таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараё-



ЁМҒИР СУВИДАН ФОЙДАЛАНИШ

(Боши 1-саҳифада)

Иқтисодий ва экологик салоҳият

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 100 м² том майдонига йиллик 300 мм ёғин тушганда, тахминан 30 минг литр ёмғир сувини йиғиш мумкин. 500 м² томли, 5 қаватли (18 хонадонли) бино йилига ўртача 150 минг литр техник сув захирасини ҳосил қилади. Ёмғир сувидан боғдорчилик, автомашини ювиш, совитиш жараёнлари ва санитария (flush) тизимларида фойдаланиш натижасида ҳар бир хонадонда ичимлик суви истеъмоли 30–50 фоизгача камаяди. Тўпланган сув захираси коммунал узилишлар вақтида 2-3 ҳафтагача автоном таъминотни таъминлай олади. Шу билан бирга, ҳовлидаги дарахтлар, буталар, гуллар ва бошқа турдаги экинларни суғоришда қўшимча имконият яратилади.

Тизим кенг жорий этилганда, инфильтрация орқали ер ости сувлари тўйиниши 15-25 фоизгача ошади. 10 минг хонадонда ушбу тизим жорий этилса, йилига 180 минг м³ дан ортиқ сув тежалади.

Кутилаётган асосий натижалар

Ёмғир сувини йиғиш ва қайта ишлатиш тизимини жорий этиш иқтисодий ва эко-

нини жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан миллий қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилотининг қоидаларига мослаштириш тўғрисида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида, ССВ томонидан тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган “Озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси Ҳукумат томонидан Қонунчилик палатасига жорий йилнинг 15 февралда киритилди ва 5 августда қабул қилиниб, Сенатга юборилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларида озиқ-овқат хавфсиз-



гик жиҳатдан қатор ижобий натижаларни таъминлайди:

- Ичимлик суви сарфи 30-50 фоизгача қисқаради, бу аҳоли учун тежамкорликни оширади.
- Техник эҳтиёжларнинг 70-100 фоизи ёмғир суви ҳисобига қопланади, ичимлик



лигини таъминлаш масалалари устувор йўналишлардан бири этиб белгиланган.

Аҳоли турмуш фаровонлиги ва сифатини ошириш, аҳолини озиқ-овқат билан тўлақонли таъминлаш масалалари озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб ушбу масалалар мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг энг марказий ўринларида бўлиб келмоқда. Хусусан, озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи ҳам давлат раҳбари ташаббуслари қаторида устуворлик касб этади. Бу мамлакат миқёсида ҳам озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи эътибор марказида эканлигидан далolat беради.

Глобал иқлим ўзгариши шароитида озиқ-овқат ва маҳсулотлар хавфсизлигини таъминлаш – барқарор ривожланиш мақсадларига эришишнинг муҳим омили сифатида қаралиши натижасида, Ўзбекис-

тоннинг озиқ-овқат хавфсизлиги глобал индекси рейтингидagi ўрни кўтарилиб бормоқда. Жорий йил ҳолатига Ўзбекистон глобал очлик индексида 5 дан кам бўлган дастлабки 25 та давлатлар қаторида эканлиги озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги амалий ишлар натижасидир. Жорий йилда Ўзбекистон 2025 йил учун барқарор ривожланиш мақсадлари индексидаги кўрсаткичларини яхшилаб, ўтган йилга нисбатан 19 поғонага кўтарилди ва 2015 йилдан буён МО ва Шарқий Европа давлатлари орасида жадал ривожланаётган давлат сифатида эътироф этилди.

Мамлакатимизнинг бундай ютуқларга эришишида илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси муҳим ўрин тутиб, бўлиб ўтган конференцияда айнан ушбу масалалар атрофлича муҳома этилди ва келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

Ўз мухбиримиз

• Ер ости сувлари инфильтрация орқали 15-25 фоизгача тўйинтирилади, бу экологик барқарорликни мустаҳкамлайди.

Халқаро тажриба

Ёмғир сувини самарали бошқариш бўйича қатор давлатларда муваффақиятли тажрибалар мавжуд. Масалан, Сингапурда техник сувнинг 45 фоизи ёмғир суви ҳисобига қопланади. Германия шаҳарларида боғдорчилик ва санитария тизимлари автоном ёмғир сувини қайта ишлаш модуллирига уланган. Япония амалиёти орқали тошқин юкламаси 25-30 фоизгача камайтирилган.

Хулоса қилиб айтганда, ёмғир сувини йиғиш ва қайта ишлатиш тизимини янги қуриладиган бинолар учун мажбурий стандарт сифатида жорий этиш Янги Ўзбекистон шаҳарларининг барқарор ривожланишида муҳим қадам бўлади.

Бу ёндашув ичимлик сувини тежаш, иқтисодий самара яратиш, муҳандислик ва дренаж инфратузилмасига тушадиган юкларни камайтириш, ер ости сувлари захирасини тўйинтириш ҳамда шаҳар ва туман экотизимини яхшилашга комплекс таъсир кўрсатади.

Натижада, мазкур тизим экологик барқарорлик, ресурс тежамкорлиги ва замонавий шаҳарсозлик талабларига жавоб берадиган янги стандарт сифатида шаклланиши мумкин.

Мухсиддин НИЗОМИДДИНОВ

КОРРУПЦИЯ – ЖАМИЯТДА НОСОҒЛОМ МУҲИТНИ, САЛБҲИЙ ИЛЛАТЛАРНИ ЮЗАГА КЕЛТИРАДИ

амалга оширилаётган ислохотлар тизими, очик, жамоатчилик назорати ва иштирокига таянган ҳолда ривожлантирилаётгани алоҳида аҳамиятга молик.

Қолаверса, коррупцияга қарши курашишда аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, ҳуқуқий таълим ва тарбияни кучайтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш муҳим вазифалардан биридир. Бу борада 2017 йил 3 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни ҳамда коррупцияга қарши курашиш борасида яратилган норматив-меъёрий ҳужжатлар мазкур

йўналишдаги чора-тадбирларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Ушбу ҳужжатлар ижроси доирасида давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни қатъий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, коррупция ҳолатларини аниқлаш ва уни келтириб чиқарувчи омилларни ўз вақтида бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маълумки, коррупция жамиятда носоғлом муҳитни, салбий

иллатларни юзага келтиради, ижтимоий адолатга раҳна солиб, фуқароларда давлат органларига ишончсизлик кайфияти кучайишига олиб келади.

Шу боис, ҳар йили “Аксил-коррупция ойлиги” доирасида давлат хизматчилари ўртасида одоб-ахлоқ қоидаларига rioya этиш, коррупция билан боғлиқ қонунбузарлик ҳолатларига йўл қўймаслик учун кенг қўламли тадбирлар ўтказилмоқда. Барча соҳаларда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, очиклик ва ошкораликни таъминлаш ҳамда бундай иллатга қарши курашиш бўйича тегишли чора-тадбирлар механизми такомиллаштирилмоқда.

Коррупция ўз ортидан бошқа бир жиноятларни етаклайди, жамиятга таназзул ҳолатини солади. Коррупция давлат ва жамият ҳаётида бартараф этиб бўлмас муаммо ҳамда таҳдидларни юзага келтириши исбот талаб қилмас ҳақиқатдир. У инсониятни тараққиёт эмас, балки таназзул сари бошловчи офат. Биргина коррупция атамаси (лотинча – corrumpere) “бузмоқ” маъносини англатиши ҳам фикримизнинг ёрқин тасдиғидир.

Бир сўз билан айтганда, тараққиётга тўсқин бўладиган коррупцияга қарши курашишга барча бирдек масъул эканини унутмаслиги, ушбу жараёнда жамиятнинг ҳар бир қатлами фаол бўлиши ва жамоатчилик назоратини олиб бориши муҳим аҳамиятга эга. Огоҳлик ва ҳалоллик, масъулият ва касбга садоқат ушбу жирканч иллатга қарши курашишда муҳим мезондир.

Алишер НАЗАРОВ,
Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университети профессори

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

Жорий йил Сирдарё вилояти сув ҳўжалиги тизимида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Жумладан, жами 69,9 минг гектар майдонга сув тежовчи технологияларни жорий қилиш бўйича манзилли дастурлар ишлаб чиқилган эди. Амалда эса, 81,53 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий этилди.

СУВ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЯНАДА КЕНГРОҚ ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА

“Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасаларига суғориш тармоқларини бетонлаштириш учун тегишли маблағлар ажратилди. Бугунги кунгача улар томонидан жами 4 890,1 млн. сўм (режага нисбатан 122 фоиз) маблағлар суғориш тармоқларини бетонлаштириш ишлари учун йўналтирилди.

– Жорий йилдан бошлаб “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасалари томонидан етказиб берилаётган сув учун шартномалар тузиш, етказиб берилган сув ҳажми тўғрисидаги далолатномаларни расмийлаштириш ишлари тўлиқ “Сув ҳисоби” ахборот тизимида амалга оширилмоқда, – дейди Куйи Сирдарё ИТХБ бошлиғи Нуркамол Атакулов. – Шу йилги давлат дастурига асосан, ирригация ва мелиорация объекtlарини куриш, реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш-тиклаш ишлари бўйича вилоятимиздаги 10 та объектида жами 80,1 млрд. сўмлик ирригация ва мелиорация тадбирларини бажариш белгиланганди. Йилнинг ўтган 11 ойи мобайнида

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ ВА ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ: ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК ЁНДАШУВЛАР

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтининг Табиий фанлар факультетида “Яшил иқтисодиёт ва экологик таълим: илмий-педагогик ёндашувлар” мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир яшил иқтисодиёт тамойилларини таълим тизимига татбиқ этиш, экологик маданиятни шакллантириш ва барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда илмий-педагогик ёндашувларнинг ўрни ҳамда аҳамиятини муҳокама қилишга бағишланди. Унда республикадаги олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, профессор-ўқитувчилар, олимлар, докторантлар ҳамда талабалар иштирок этишди.

Конференция давомида яшил иқтисодиётнинг замонавий йўналишлари, экологик таълимни ривожлантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ресурслардан оқилона фойдаланиш, таълим жараёнида экологик билим ва кўникмаларни шакллантиришга қаратилган илгор тажрибалар бўйича маърузалар тингланди. Шунингдек, экологик барқарорликни таъминлашда инновацион таълим технологиялари ва фанлараро ёндашувларнинг аҳамияти алоҳида таъкидланди.

Иштирокчилар томонидан билдирилган фикр ва тақлифлар асосида экологик таълим сифатини ошириш, яшил иқтисодиёт ғояларини педагогик жараёнларга кенг татбиқ этиш бўйича муҳим ҳуслослар ва амалий тақлифлар ишлаб чиқилди.

Конференция якунида илм-фан ва таълим соҳасида экологик масъулиятни кучайтириш, ёшлар онгига табиатга масъулиятли муносабатни шакллантириш ва яшил иқтисодиёт тамойилларини тарғиб қилиш муҳим вазифа эканлиги қайд этилди.

Довуд АБИБУЛЛАЕВ, ЎЗА мухбири

Композит материаллар сувни аста-секин ўтказиш хусусиятига эга, шўрланган ва қуруқ ҳудудларда самарали ишлайди ва узоқ муддат хизмат қилади

Ирригация тизимларида



59,1 млрд. сўмлик 88,6 км. узунликдаги суғориш тармоқлари реконструкция қилиниб, 56,4 млрд. сўм маблағлар молиялаштирилди. Шунингдек, 1 та йилдан-йилга ўтувчи мелиорация объектида 4 км. узунликда реконструкция ишлари бажарилди. Бундан ташқари, 310,8 км. узунликдаги коллектор тармоқлари, 190 км. узунликдаги ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқларида

таъмирлаш-тиклаш ишлари олиб борилди, 183 дона мелиоратив тик қудуқлар таъмирланди, юзта кузатув қудуғига дайвер қурилмалари ўрнатилиб, 23,2 млрд. сўм маблағ молиялаштирилди. Қолаверса, 206 км. узунликдаги ҳўжалиқлараро каналлар тозаланиб, белгиланган режа 100 фоизга бажарилди. Худди шунингдек, гидротехник иншоотлар ҳамда гидropостларни таъ-

мирлаш режаси ҳам ортиғи билан ууддаланди.


Кластер ва фермер ҳўжалиқлари ҳисобидаги ички суғориш тармоқларини тозалаш, уларнинг сув олиш қулоқларини жиҳозлаш, ички суғориш тармоқларидаги гидротехник иншоот ва гидropостларни таъмирлаш ишлари ҳам режага мувофиқ ўз вақтида, тўлиқ бажарилди.

Кластер ва фермер ҳўжалиқлари ҳисобидаги 1500 км. узунликдаги ички ариқларни бетонлаштириш режалаштирилиб, бу ҳам тўлиқ рўёбга чиқарилди ва бу борадаги ишлар жадал давом этмоқда.

Соҳага рақамли технологиялар ҳам кенг жорий қилинмоқда. Жорий йилда 175 та “Ақли сув”, 189 та “Дайвер” қурилмаларини ўрнатиш ҳамда 1 та йирик сув ҳўжалиги объектининг бошқарув жараёнларини тўлиқ автоматлаштириш белгиланган бўлиб, шу йилнинг 11 ойи мобайнида 102 дона “Ақли сув” ҳамда 138 дона мелиоратив кузатув қудуқларига “Дайвер” қурилмалари ўрнатилди.

Ориф ЖУМАНОВ, “Qishloq hayoti” мухбири.

“Four Nature” – табиатнинг тўрт мўъжизаси



(Боши 1-саҳифада)

Мазкур мақолада Тошкент давлат аграр университети профессор ўқитувчилари ва талабалари томонидан олиб борилган изланиш ва тадқиқотларининг натижаси бўлган “4 унсур ширинлиги” деб аталувчи табиий маҳсулотлар – қовоқ уруғи, асал, гул чанги ва қора седананинг инсон саломатлиги учун фойдали жиҳатлари ва овқатланиш рационида самарали қўллаш усуллари ва таҳлилини кўриб чиқамиз. Бу маҳсулотлар ёш болалар, ёши катталару спортчилар учун овқатланиш рационидаги идеал қўшимчалардан ҳисобланади. Қовоқ уруғи – юрак-қон томир тизими учун фойдали моддаларга бой табиий маҳсулот ҳисобланади. Унинг таркибида магний, цинк, фосфор ва омега-3 ёғ кислоталари мавжуд бўлиб, улар организмда моддалар алмашинувини яхшилайдди, кон босимини назорат қилади ва иммунитетни кучайтиради. Шунингдек, қовоқ уруғи ҳазм қилиш тизимини қўллаб-қувватлайди ва чарчоқни камайтиради, бу эса ёш болалар ва спортчилар учун жуда муҳимдир.

Асал – табиатнинг энг қадимий ва самарали энергия манбаи. Асалдаги табиий қанд тез ва осон сингади, организмга энергия беради. Антиоксидантлар ва антибактериал моддалар орқали асал иммун тизимини қўллаб-қувватлайди, вирус ва бактериялардан ҳимоя қилади. Бу маҳсулот ёш болаларнинг ўсиши ва ўсмирлар ҳамда катталарнинг кундалик фаолияти учун идеал қўшимча ҳисобланади. Гул чанги – нафақат нозик таъми билан ажралиб туради, балки

витамин ва минералларга ҳам бойдир. У ҳазм қилиш тизимини енгиллаштириб, организмда энергия синтезини қўллаб-қувватлайди ва чарчоқни камайтиради. Шунингдек, гул чанги асаб тизимига фойдали таъсир кўрсатади ва руҳий қўвонч ҳиссини оширади.

Қора седана – табиатнинг ажойиб тухфаси бўлиб, асаб тизимини тинчлантириш ва моддалар алмашинувини оптималлаштириш хусусиятларига эга. У чарчоқ ва стрессни камайтиради, кундалик фаолият учун энергияни таъминлайди ва спортчиларнинг организмни тиклайди. Шу билан бирга, қора седана юрак-қон томирларини қўллаб-қувватлайди ва организмни мустаҳкамлайди.

Тўрт маҳсулот тенг миқдорда олинганда организм учун юқори фойда берадиган аралашма ҳосил бўлади. Ушбу табиий комбинация ҳар бир маҳсулотнинг алоҳида фойдали хусусиятларини сақлайди, балки уларнинг ўзаро таъсири орқали витаминлардан ҳимоя яратади. Масалан, иммунитетни қўллаб-қувватлайди: асал ва қовоқ уруғи антиоксидант ва витаминларга бой бўлгани туфайли организм инфекцияларга қарши ҳимояланади. Энергия ва чарчоққа қарши таъсир: асал ва гул

чанги тез энергия манбаи сифатида хизмат қилади, қора седана эса асаб тизимини тинчлантириб, чарчоқни камайтиради.

Ҳазм ва моддалар алмашинуви: қовоқ уруғи ва гул чанги ҳазм қилишни енгиллаштиради, қора седана эса метаболизмни оптималлаштиради.

Юрак-қон томир тизими учун фойда: қовоқ уруғи ва қора седана қон босимини назорат қилади ва юракни мустаҳкамлайди. 100 гр маҳсулот комбинациясидаги калория: 300-350 ккал, бу эса ёш болалар учун овқатланишда қўшимча энергия, ёши катталар учун кундалик энергияни қоплаш ва спортчилар учун зарур энергия манбаи сифатида хизмат қилади. Шу билан бирга, маҳсулотлар табиий ва соф бўлгани сабабли, организмга ортиқча юк туширмайди ва саломатликка фойдали таъсир қилади.

Ушбу табиий “4 унсур ширинлиги” ҳар бир ёш гуруҳи – ёш болалар, ёши катталар ва спортчилар учун овқат рационида муҳим ўрин эгаллайди ва организмнинг ҳар томонлама ривожланиши ва тикланишига ёрдам беради.

Ҳулоса қилиб айтадиган бўлсак, “4 унсур ширинлиги” инсон саломатлиги учун табиатдан берилган мукаммал совғадир. Бу маҳсулотлар нафақат организм учун зарур витамин, минерал ва антиоксидантларга бой, балки уларнинг қўшилган таъсири орқали иммунитетни кучайтиради, энергияни оширади, асаб тизимини тинчлантиради ва моддалар алмашинувини яхшилайдди.

Ушбу табиий ширинликларнинг ҳар бир унсури соғлом турмуш тарзи учун муҳим аҳамиятга эга. 100 гр. маҳсулот комбинацияси кундалик энергия ва овқатланишдаги эҳтиёжларни қоплашда самарали ва хавфсиз манба ҳисобланади. Шу билан бирга, сунъий қўшимчалар ва дорилардан кўра табиий маҳсулотларнинг устуңлиги аниқ кўринади: улар нафақат самарали, балки организм учун хавфсиз ва табиийдир.

Ш. ВАЛИЕВА,

ТДАУ Мевачилик ва узумчилик кафедраси катта ўқитувчиси, қ.х.ф.ф.д (PhD), Феруза РАХМАТОВА, талаба.

КОМПОЗИТ МАТЕРИАЛЛАР – КЕЛАЖАК ЕЧИМИ

Бугунги кунда дунё миқёсида сув ресурсларининг камайиб бораётгани жиддий муаммо сифатида қаралмоқда. Айниқса, қишлоқ ҳўжалигида сувдан самарали фойдаланиш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу боис, сув тежамкор технологияларни жорий этиш ва янги материаллар асосида инновацион ечимлар ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан биридир.



Х. НИЁЗОВ, Чирчиқ давлат педагогика университети Табиий фанлар факультети Кимё кафедраси катта ўқитувчиси.

Сўнгги йилларда композит материаллар асосида тайёрланаётган сув тежамкор қурилмалар ва иншоотлар катта қизиқиш уйғотмоқда. Композит материаллар – бу икки ёки ундан ортиқ компонентлардан ташкил топган бўлиб, уларнинг ҳар бири якка ҳолда мавжуд бўлмаган янги физик-механик хоссаларга эга материаллардир. Улар енгил, мустаҳкам, узоқ муддат хизмат қилиши ва ташқи муҳит таъсирига чидамлилиги билан ажралиб туради.

Маҳаллий хомашёлардан бири бўлган фосфогипс асосида тайёрланган композит материаллар алоҳида аҳамиятга эга. Фосфогипс саноат иккиламчи маҳсулоти бўлиб, уни қайта ишлаш орқали экологик муаммоларни камайтириш билан бирга, иқтисодий самарадорликка ҳам эришиш мумкин. Фосфогипс асосида олинган композитлардан сув тежамкор лотоклар, қувурлар ва суғориш элементлари тайёрлаш мумкин.

Бундай композит материаллар сувни аста-секин ўтказиш хусусиятига эга, шўрланган ва қуруқ ҳудудларда самарали ишлайди ва узоқ муддат хизмат қилади.

Композит материаллардан тайёрлан-

ган сув тежамкор лотоклар эса, суғориш жараёнида сувнинг беҳуда оқиб кетишининг олдини олади. Ички юзаси ғовакли бўлган бундай лотоклар сувни ўсимлик илдизига яқин ҳудудда ушлаб туриб, намликнинг аста-секин сингишини таъминлайди. Натижада сув сарфи 25-35 фоизгача қисқариши мумкин. Бу технология айниқса, картошка, пахта ва сабзавот экинлари етиштириладиган майдонларда юқори самарадорлик кўрсатади. Сувдан тежалган ҳолда фойдаланиш ҳосилдорликни оширишга ва тупроқ деградациясини камайтиришга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, композит материаллар асосида ишлаб чиқилаётган сув тежамкор технологиялар нафақат иқтисодий, балки экологик жиҳатдан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Фосфогипс каби иккиламчи хомашёлардан фойдаланиш эса “яшил технологиялар”ни ривожлантиришга хизмат қилади. Келажақда бундай инновацион ечимларнинг кенг жорий этилиши сув танқислиги муаммосини юмшатишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.



МЕТРОПОЛИТЕН – ПОЙТАХТНИНГ АСОСИЙ ҚОЧ ТОМИРИ

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг фахри, кўрки ва асосий қон томири ҳисобланган Тошкент метрополитени кундан кун кенгайиб йўловчи ташишнинг энг мақбул ва қулай воситаси сифатида аҳолининг узоғини яқин қилмоқда.

Метрополитеннинг ҳар тўртта йўналиши шаҳримизнинг 10 та тумани ҳудудини қамраб олган бўлиб, пойтахтимиз аҳолиси ва хорижлик сайёҳларни ўзига жалб этадиган гўзал ва маҳобатли маданият масканлари, музейлар ва санъат саройлари, йирик олий ўқув юртлари, бозорлар ва супермаркетлар, диққатга сазовор истироҳат боғлари ва хиёбонлар, шунингдек, аҳоли истиқомат қиладиган бир-биридан чиройли бино ва иншоотлар яқинидан ўтган. Метрополитен бекатларида йўловчилар учун яратилган ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар, поездларнинг хавфсиз, узлуксиз ва бир маромада ҳаракатланиши, турли ёш ва мавқедаги миллионлаб йўловчиларнинг таҳсинига сазовор бўлмоқда. Аммо метрополитен ҳудудида яратилган хавфсиз ва қулай шарт-шароитларнинг таъминланиши метрополитенда хизмат ўтаётган ички ишлар органлари ҳодимларининг кеча-кундуз олиб бораётган тинимсиз меҳнати маҳсули эканлигини ҳамма ҳам билавермайди. Гуруч қурмаксиз бўлмайди, деганларидек, афсуски, метрополитен объектиларида ҳам йўловчиларнинг оромини бузадиган, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахл ва тажовуз қиладиган ёмон ниятли ҳуқуқбузарлар учраб туради.

Уларни аниқлаш, ушлаш ва жавобгарликка тортиш ўзига хос мураккаб, муайян тартиб-таомилларни талаб этадиган жараён ҳисобланади. Айнан шу сабабли, бугунги кунда Тошкент метрополитенида ҳам янги технологияларнинг ўрнатилиши, бундай ҳуқуқбузарларни дарров аниқлаш ва уларга нисбатан чора кўришда қулайлик яратмоқда. Айниқса, жорий йилдан бошлаб метрополитени модернизация қилиш йўлида ана бир қадам ташланди. Хусусан, ситуацион марказнинг қуриб, ишга туширилиши метрополитен объектиларида хавфсизликни таъминлаш борасида унинг барча ҳудудларини назорат қилишга тўлиқ имкон бермоқда.

Бугун кунига ҳатто миллионлаб йўловчиларга хизмат кўрсатаётган метрополитен тизимининг масофаси узайиб, пойтахтимизнинг барча инфраструктура объектларини қамраб олиши, келгусида вилоят туман марказларига йўл очилиб, интеграция қилиниши Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг бир намунаси бўлиб хизмат қилади.

Аброр ҒУЛОМЖОНОВ, Тошкент метрополитени хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси ходими.

Эълонлар

04-01/20780 рақами билан 1999 йил 23 мартда Азизова Дильфуза Ташмирзаевна номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

05-01/13577 рақами билан 2018 йил 21 сентябрда Никитина Светлана Орестовна номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

08-02/9033 рақами билан 1993 йил 7 январда Ахмедова Голиба Маннановна номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

ДАРС ЖАДИДЛАР ҲАЁТИНИ ЎРГАНИШГА БАҒИШЛАНДИ

Миллий тараққиёт ва истиқлол йўлида ўз жонларини қурбон қилган жадид боболаримиз босиб ўтган йўл, уларнинг ғоялари ва курашлари барчани қизиқтириб келмоқда. Мактабимизда анъанага айланган "Келажак соати" дарсларининг навбатдагисида машғулот барча синфларда "Жадид боболаримиз" мавзусига бағишланди.



Дарсга тайёргарлик кўриш жараёнида ўқувчилар мактаб кутубхонасида улғу боболаримиз асарлари билан танишдилар ва дарс пайтида синфга бу асарлардан намуналар кўйиб қўйилди. Синфимиздаги телевизорда видеороликлар намойиш қилиш учун тайёргарликлар кўриб қўйилган эди. Доскада "Жадидлар кимлар?", "Жадид боболаримиз қандай ишларни амалга оширганлар?", "Жадид боболаримиз бизлар учун қандай мерос

қолдирган?" каби бир нечта саволлар ёзиб қўйилди. Дастлаб жадид боболар ҳаёти тўғрисида қисқача маълумотлар берилди. Сўнгра уларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи видеороликлар намойиш қилинди. Дарсининг бу тарзда ташкил қилиниши ўқувчиларнинг қизиқишини янада оширди. Улар дарсда ҳар қачонгидан фаол иштирок этдилар. Ўқувчилардан экранда намойиш этилган иккита суратнинг нимани акс эттириши

сўралганда кўпчилик ўқувчилар жавоб бериш учун қўл кўтардилар. Улар қоронғу хонада, бўйра ёки бошқа тўшамчи устида букчайиб ўлтирган болалар эски мактабда дарс тинглаётганини, иккинчи суратда эса ёруғ хонадаги парталарда қаддини тик тутиб китоб мутлаа қилаётган ўқувчилар акс эттирилганлини айтиб беришди. Ана шундай болалар учун қўлай мактаблар очиш ташаббуси жадид боболаримиз томонидан кўтариб чиқилганлигига эътибор қаратилиб, Маҳмудхўжа Бехбудий бобомиз ҳаёти ва фаолиятига тўхталиб ўтилди. Бобомизнинг чуқур билим олиш учун икки тилни эмас, камида тўртта тилни билиш лозимлиги ҳақидаги ўғитлари ўқувчиларга эслатилди. Шу тарзда номлари эслатилган жадид боболаримизнинг ҳар бирлари тўғрисида тушунчалар берилди. Уларнинг қурган мактаблари, ёзган дарсликлари ва бадий асарлари эслатилиб, буларнинг барчаси миллатни саводли қилиш, жамият тараққиётини тезлаштиришга қаратилганлиги айтиб ўтилди.


"Жадид боболаримиз" мавзусида ўтказилган дарс ўқувчиларда катта таассурот қолдирди. Уларнинг кўпчилиги мактаб кутубхонасида жадид боболарининг китобларини олиб ўқишга киришдилар. Миллат тараққиёти, илм-маърифат учун курашган ватанпарвар боболарининг жасорати ўқувчилар қизиқишини янада оширди.

М. Жўраев,

Г. НУРМАМАТОВА,

Ўзур туманидаги У.Уватов номи
1-мактаб ўқувчилари.

Кичик ҳикоя



ҚИЗИМ

– Дадажон, майли, гапирманг, йўлга қаранг! Яхмалак.

– Ҳўп.

– Дадажон, секинроқ ҳайдайверинг, мен ҳеч қаерга шошаётганим йўқ. Машина кўп. Ишқилиб, анави ердан бурила оласизми? Хушёр юринг!

– Ҳўп.

– Ҳозир қизил чироқ ёнади, шошманг!

– Ҳўп.

...Неварамни боғчада қолдирдик. Қизим яна орқа ўриндиққа чўкди. Машинани юргиздим.

– Дадажон, энди тероқ ҳайдайверинг, ишга шошапман...

У бошқа гапирмади, жимгина, беҳадик ва беҳавотир ўтирдик.

Машина эса қор босган йўлда ғизиллаб борарди.

Қўчқор НОРҚОБИЛ



Biznesni Rivojlantirish Banki

Yangi 2026

yilingiz muborak bo'lsin!



1254
www.brb.uz



BRB ilovasi bilan bank xizmatlari tezkorligini his eting
Ilovani yuklab oling va foydalanishni boshlang





Бунёдкор халқимизни яқинлашайтган 2026 йил билан самимий қўтлаймиз.

Ватанимиз равнақи, эл-юрт манфаати йўлидаги эзгу ишларда барчага янги-янги зафарлар тилаймиз.

Кириб келаётган йилда ҳам юртимизда тинчлик, ободлик, файзу барака, ҳамюртларимиз орасида ўзаро меҳр-оқибат тўйгулари барқарор бўлсин!

Автомагистраль ИАЙҚТБ жамоаси



“Ўзйўлқўприк” кластерининг Тошкент вилояти филиали давлат муассасаси жамоаси

барча юртдошларимизни ва тизмда меҳнат қилаётган ҳамкасбларини кириб келаётган

ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИ

билан муборакбод этади.

Мамалакатимизда замонавий автомобиль йўлларини ривожлантириш бўйича жаҳон талабларига жавоб бера оладиган янги йўллар қуриш борасида жадал ишлар олиб борилмоқда. Азалдан йўл тузатиш, кўприклар қуриш энг савобли ишлар ҳисобланган. Соҳада меҳнат қилиб, жонажон ватанимизнинг янада обод бўшага айланиши, жаҳон майдонидаги нуфузи ва мавқеи ошиши йўлидаги эзгу ишларда бизнинг ҳам ҳиссамиз борлигидан ниҳоятда хурсандмиз.

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси комплекс
таркибидаги ҳамда бошқа дахлдор
вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир:
**Чори
ЛАТИПОВ**

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,
Шавкат ХАМРОЕВ,
Нарзулло ОБЛОМУРОДОВ,
Эшмирза АБДУАЛИМОВ,
Ҳабиб ТЕМИРОВ,
Раимқул СУЯРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
Нашр индекси – 144. Буюртма Г-1217. 1430 нусхада чоп этилди. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Таҳририят манзили: Тошкент вилояти Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй. **Телефонлар:** +998 77-080-43-70, +998 99-050-69-45.
Реклама ва эълонлар – (998 90) 317-19-16. **e-mail:** infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нархда.
Саҳифаловчи-дизайнер: М.ЮСУПОВ
Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Босмахона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6



Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 19.00